

8-10-2019

USING OF FOREIGN EXPERIENCE IN THE TEACHING "PHONETICS" MODULE

Mukhayyoxon Obidovna Khamidova

Candidate of philological sciences, docent of Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Khamidova, Mukhayyoxon Obidovna (2019) "USING OF FOREIGN EXPERIENCE IN THE TEACHING "PHONETICS" MODULE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 4 , Article 38. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss4/38>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

USING OF FOREIGN EXPERIENCE IN THE TEACHING “PHONETICS” MODULE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

“ФОНЕТИКА” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна,
филология фанлари номзоди, доценти,
Наманган давлат университети

***Аннотация:** Жаҳон тилшунослигида тилнинг бошқа соҳаларидаги каби фонетик-фонологик тизимини ўрганишга бўлган эътибор ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бу масалага айниқса, бошланғич таълимдан бошлаб кенг эътибор қаратилиб келинмоқда. Шунинг учун бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабалари учун “Она тили ва болалар адабиёти” фанида берилган “Фонетика” модулини ўқитишда бу масалага атрофлича ёндашилади. Ушбу мақолада “Фонетика” модулини ўқитишда кенг қўлланаётган илгор хорижий тажрибалар хусусида фикр юритилган.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕРЕДОВОГО ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ПРИ ИЗУЧЕНИИ МОДУЛЯ “ФОНЕТИКА”

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна
кандидат филологических наук, доцент
Наманганский государственный университет

***Аннотация:** В мировой лингвистике наряду с другими разделами значительное внимание уделяется фонетика-фонологическому строю языка. Также внимание наблюдается и в процесс начального образования. В связи с этим в статье представлено обобщение передового зарубежного опыта, применяемого в обучении модулю “Фонетика”.*

***Ключевые слова:** Фонетика, фонология, технология, пласты языка, фоностилистические единицы, фоностилистические средства, инновация, передовой зарубежный опыт, интерактивные методы, работа в малых группах.*

USING OF FOREIGN EXPERIENCE IN THE TEACHING “PHONETICS” MODULE

Khamidova Mukhayyoxon Obidovna
Candidate of philological sciences, docent
of Namangan State University

***Abstract:** Word language in other countries, such as phonetic language-learning system, phonologic a significant role in all spheres. This issue is wide learnt in primary schools. That’s why during teaching students of Primary education faculty, we pay attention in subject “Mother tongue and literature” “Phonetics” module in this article “Phonetics” teaching module reflect the wide use of advanced foreign experience.*

***Key words:** phonetics, phonology, technology, language-level, innovation, progressive foreign innovations, interactive methods, work in different groups, foreign experience.*

Жаҳон тилшунослигида тилнинг бошқа соҳаларидаги каби фонетик-фонологик тизимини ўрганишга бўлган эътибор ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Айниқса, Германия, Америка, Россия, Франция, Чехия мамлакатларидаги фонология мактабларининг ўрни ниҳоятда катта. [5. 9.]

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида фоностилистиканинг алоҳида тармоқ сифатида шаклланишига замин яратилди. Масалан, кейинги йилларда мавзуга оид майдонга келган жиддий ишлардан бири Қ.О.Сапарованинг “Рус ва ўзбек тиллари фоностилистикасининг қиёсий-типологик тадқиқи” мавзусида ёзилган докторлик диссертациясидир.[3. 50.]

Ушбу диссертацияда рус ва ўзбек тиллари сегментал сатҳи илк бор лингвостилистик, когнитив-семантик, лингвокултурологик ва лингвостатистик аспектларда яхлит қиёсий-типологик тадқиқ этилган. Унда рус тили қаторида ўзбек тилининг ҳам фоностилистик бирликлари ва фоностилистик воситаларини фарқлаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги, фоновариантлар қўлланишининг функционал-стилистик шарт-шароитлари ва частотаси аниқланганлиги ҳамда турли хил луғатларда акс этиш принципларининг ўрганилганлиги, уларнинг марказ-периферия аспектида тадқиқ этилганлиги, оғзаки нутқий фаолиятда қўлланишининг лингвокултурологик жиҳатлари асосланганлиги, стилистик бўёқдор фоновариантларнинг амал қилиш эволюциясидаги муҳим тенденцияларнинг тавсифланганлиги ва улар юзасидан олиб борилган кузатишларнинг луғат материаллари ҳамда жонли нутқ кузатуви асосида амалга оширилган.

Талаффуз усуллариининг вазиятга кўра юқори, сўзлашув, бетараф характерда бўлиши функционал услублар доирасида янада қатъийлашади. Масалан, саҳнадаги актёрнинг талаффуз усули адабий тилнинг ёрқин ифодаси сифатида тил истемолчилари учун эталон вазифасини ўтайди ва бадиий, публицистик ёки сўзлашув услубларининг меъёрлашувига, она тилининг маданийлашувига хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлар таълим тизими ва тадқиқотларида қўлга киритилган тил ярусининг фонетик-фонологик тизимига доир ушбу илғор тажрибалар таълим жараёнида самарали қўлланилмоқда.

Инновациялар ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиб “Фонетика” модулини ўқитиш қулай муҳит яратади, бу эса “Фонетика” модулини талабаларнинг пухта ўзлаштиришларида қўл келади. Бизнингча, бундай яхши ташкил этилган ўқитиш муҳити орқали:

- талаба “Фонетика” модулини ўзлаштириш давомида ўқиш ва тадқиқотларга йўналтирилади;
- талабалар турли тадқиқотлар олиб бориш учун модул бўйича материалларга эга бўлади;
- талабалар ижодкорлик қобилиятига яраша рағбат (балл)га (хориж тажрибаларига кўра эса муайян кредитларга) эга бўлади;
- “Фонетика” модулини ўқитиш жараёнида фикрлар ва ахборотлар алмашинувида имкон яратилади;
- “Фонетика” модули бўйича маълумотларни мустақил олиш кўникмалари шакллантирилади;
- олий таълимда таълим олиш кўникмаларини ривожлантиради.

Инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар, интерфаол методлар дастлаб, АҚШ, Англия, Франция, сўнгра Японияда, 70-йиллардан бошлаб Россияда, 90-йиллардан Ўзбекистонда қўллаб келинмоқда.

Ана шундай илғор хорижий тажрибаларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

“Cooperative learning” (ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш) – таълим усулларида бири бўлиб, ўрганиш тажрибаларини гуруҳ билан биргаликда амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган. Бу усулда талабалар шунчаки кичик гуруҳларга бирлашмайдилар, балки қатъий бир-бирига боғлиқ бўлган “структура”ни ташкил этадилар.

Моделнинг хусусиятлари:

- қатъий бир-бирига боғлиқ бўлган “структура”;
- гуруҳда ва яқка жавобгарлик;
- бир-бирига таъсир этиш (юзма-юз);
- талабаларни кичик гуруҳларда маҳоратларининг ошиши;
- гуруҳ фаолияти.

“Cooperative learning” (ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш) моделининг бир қанча технологияларидан фойдаланилади. Бу технологиялар қўлланганда, талабалар жуфт бўлиб ёки 4-5 кишидан иборат гуруҳларда амалга оширилади. қуйида улардан намуналар келтирилади:

Бошқотирма (Jigsaw) – талабалар икки гуруҳга бўлинадилар: ишчи гуруҳ ҳамда эксперт гуруҳга. Ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзосига турли мавзулар ажратилади. Агар ажратилган мавзулар айнан бўлиб қолса, талабалар ишчи гуруҳни тарқ этадилар. Улар янги гуруҳни ҳосил қиладилар ва берилган топшириқни биргаликда ўрганадилар. Ишчи гуруҳга қайтганларидан сўнг ҳар бир талаба ўзига ажратилган мавзунини тушунтириб беради.

Ички-ташқи айлана (Inside-outside circle) – бу “Cooperative learning” (ҳамкорликда кичик гуруҳларда ўқитиш) стратегияларидан бири бўлиб, бунда талабалар ички ва ташқи доирани ҳосил қиладилар. Ўқитувчининг берган саволини дастлаб ички ва ташқи гуруҳларда фикр алмашилади, ундан сўнг ички айланадаги иштирокчилар унинг ташқи айланасини ҳосил қилган гуруҳ аъзоларидан бири билан жуфт ҳолда саволларга ечим қидирадилар.

Ўзаро ўқитиш (Reciprocal teaching) – бунда талабалар жуфт ҳолда бирор матн ҳақида диалог ҳосил қиладилар. Қатнашчилар матнни ўқиши, бир-бирларига саволлар берадилар, таассуротларини ўртоқлашадилар. Мазкур усул талабаларнинг бирор матнни аниқ тушуниши ва муайян хулосаларга эга бўлишларига имкон беради. Шу тариқа, талабалар бир-бири билан фикр алмашиш жараёнида билимга эга бўлади. [5. 65-66.]

Хусусан, барча таълим муассасаларида инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар бўйича муҳим илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва бу борада қўплаб катта ютуқларга эришилган, десак муболаға бўлмайди [4. 27.]

Инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни ўқув жараёнида қўллаш таълим тизимида кенг тарқалиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ўқув жараёнини либерализация қилиш, демократлаштириш, ҳамкорлик ҳамда ижодкорликда

ташқил этишни тақозо этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўқув жараёни марказида талаба бўлмоғи лозим ва ўқув жараёни унга қаратилган, йўналтирилган бўлиши талаб этилмоқда. Шахсга қаратилган таълим талабанинг ўқув меҳнатини ташқил этишни ҳаракатлантирувчи, қизиқиш, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқарувчи куч бўлиб хизмат қилади. Бундай таълим педагог ва талабада доимий ижодий изланиш, узлуксиз ўз устида ишлаш имкониятини беради. Мазкур ҳолатнинг ижобий кечиши эса таълимда сифат ва самарадорликнинг кафолатидир.

“Фонетика” модули бўйича шакл ва воситалар ёрдамида дарсларни ташқил этишни қуйидаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар кафолатлайди:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- педагог ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- талабалар томонидан “Фонетика” модули бўйича билимларнинг пухта эгалланишининг таъминланиши;
- талабаларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларининг шакллантирилиши;
- талабаларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;
- таълим-тарбия жараёнида демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Умуман, олганда ҳозирги кунда “Фонетика” модулини ўқитишда инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларнинг қуйидаги шаклларида таълим жараёнида кенг фойдаланилмоқда, десак муболаға бўлмайди:

“Кичик гуруҳларда ишлаш” усулидан фойдаланиш талабаларнинг дарсдаги фаоллигини таъминлайди, ҳар бир талабага мунозарада қатнашиш ҳуқуқини ва бир-

Кичик гуруҳларда ишлаш

“Фонетика” модулини ўқитиш

“Фонемалар” гуруҳи

“Фонема оттенкалари” гуруҳи

“Фонемаларнинг дифференциаллиги
белгилари” гуруҳи

“Фонемаларнинг интеграл белгилари”
гуруҳи

“Фонемаларнинг мўътадиллашуви”
гуруҳи

биридан ўрганиш имконини беради. Бунинг учун аудиториядаги талабалар кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳда 5-6 та талаба бўлади. Кичик гуруҳлар қуйидагича номланади:

Хулоса қилиб айтганда, Inter (ўзаро) фаол методларда – ўқувчиларга дарс жараёнини яхши ташкил этишга қулай муҳит яратилади. Талабаларнинг ўзаро фикр алмашишларига имкон берилади. Модулни ўзлаштириш жараёнида ўзаро ахборот олиш ва бериш учун шароит туғдирилади. Ечимини кутаётган масалаларни талабалар ўзаро ҳамжиҳатликда муҳокама қиладилар ва ҳал этадилар. Вазиятдан чиқишда ҳамкорликда ечим топадилар. Олган ахборотлари асосида билимларини бир-бирларига намойиш этадилар.

Бугунги кунда хорижда оммалашган ўқитиш усулларига Credits-hot, Credits-Post, transcript, Blended learning (аралаш ўқитиш), webinar методи, муаммоли метод, evristik ўқитиш методи лойиҳалаш, режалаштириш, йўналтирувчи матн усули, масофали ўқитиш, кредит тизими, Bolonya deklaratsiyasi, transferancy, agreement каби методларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар бир модулни, жумладан, “Фонетика” модулини ўқитишда ҳам яхши самара беради.

References:

1. Jamolxonov H. O'zbek tilining nazariy fonetikasi: O'quv qo'llanma. – Toshkent: Fan, 2009. -222 b.
- 2.Mirtojiyev M.M. O'zbek tili fonetikasi.- Toshkent: Fan, 2013.-424 b.
- 3.Saparova K.O. Sopostavitelno-tipologicheskoe issledovanie fonostilistiki russkogo i uzbekskogo yazikov (na materiale fonovariantov slov). Avtoref. diss... d-ra filol.n. – Tashkent, 2009. – 50 s.
4. Saidahmedov N. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya: O'quv qo'llanma.- Toshkent, 2006; Tolipop I.Q., Usmonboeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari.-Toshkent, 2006; Yo'ldosheva J.F., Yo'ldosheva T. Interfaol ta'lim – sifat kafolati: O'quv qo'llanma. –Toshkent, 2008; G'affarova T. Boshlang'ich ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar. -T.: O'qituvchi, 2011.
- 5.Saidaxmedova O. Filologik ta'limda ilg'or xorijiy tajribalar modulining o'quv metodik majmuasi.-Toshkent, 2017.- 83 b.